

АҚШда болалар учун махсус Қуръон курслари ташкил этилди



09:59 / 19.07.2019 1999

Ёзги таътилда болалар вақтини самарали ўтказиш учун АҚШнинг Виржиния штати Александрия шаҳрида Қуръони каримни ўрганиш курслари ташкил этилди. Бу ҳақда iqna ахборот сайти деб хабар беради.

Маълум бўлишича, MakeSpace Islam институти томонидан ташкил этилган ушбу курслар 5-12 ёшдаги мактаб болаларига мўлжалланган. Курслар уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда болалар араб тили ҳарфлари ва қисқа сураларни ўрганадилар. Иккинчи босқичда Қуръони каримни ўқишни ўрганадилар. Шу билан тажвид ва тиловат қоидалари ҳамда Қуръонни тўлиқ ёдлашга тушадилар. Ёзги курслар 20 июль куни бошланиб, ҳар ҳафтанинг шанба куни давом этади.

Islom.uz.портали таҳририяти